

Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб беришнинг
ШАРТНОМАСИ

2022 йил «02» феврал

№ 020546

Когон туман

Низом асосида фаолият юритувчи ___ Когон туман Ободонлаштириш бошқармаси,
(истеъмолчи номи)

Рахбари И.Б.Батиров бир томондан ҳамда Низом асосида фаолият юритувчи "Худудгазтаминот" Когон филиали рахбар Н.Ю.Зокиров (етказиб берувчи деб юритилади,) иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртмаюмаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофик, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ қурилмалари, шунингдек, газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади. Истеъмолчи жорий йил 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 6060 куб.м, 1 м.куб. газ нархи 660 сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйидагиче тақсимланади:

I квартал	6060	м. куб.	январь	м. куб.	, февраль	6060	м. куб.	март	_____	м. куб.	
II квартал	_____	м. куб.	апрель	_____	м. куб.	май	_____	м. куб.	июнь	_____	м. куб.
III квартал	_____	м. куб.	июль	_____	м. куб.	август	_____	м. куб.	сентябрь	_____	м. куб.
IV квартал	_____	м. куб.	октябрь	_____	м. куб.	ноябрь	_____	м. куб.	декабрь	_____	м. куб.

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлашидан излан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорида кайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 2022 йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйидагиче тақсимланади:

I квартал	_____	м. куб.	январь	_____	м. куб.	февраль	_____	м. куб.	март	_____	м. куб.
II квартал	_____	м. куб.	апрель	_____	м. куб.	май	_____	м. куб.	июнь	_____	м. куб.
III квартал	_____	м. куб.	июль	_____	м. куб.	август	_____	м. куб.	сентябрь	_____	м. куб.
IV квартал	_____	м. куб.	октябрь	_____	м. куб.	ноябрь	_____	м. куб.	декабрь	_____	м. куб.

1.5. Шартномаумумийсуммаси _ 3999600 Уч миллион тўқсон тўққиз минг олти юз сўмни ташкил қилади.

Жумладан: бюджет маблағларихисобидан _ Уч миллион тўқсон тўққиз минг олти юз сўмни,

Бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан _ 0 сўмни,

1.6. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртмаюмапти тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.7. Навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари бўйича табиий газ етказиб бериш тўғрисидаги шартнома ўзгартирилишидан олдин истеъмолчи газ таъминоти ташкилотига бу ҳақида ўн кундан кечикмай хабар берган тақдирда, бундай ҳолатлар ортикча олинган миқдор деб ҳисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу Шартномада кайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда етказиб берилади.

2.2. Етказиб берувчи Истеъмолчига 1.4-бандда кўрсатилган ҳажмда газ етказиб беради.

2.3. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.3 ва 1.4-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолчининг суткалик меъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усуллар орқали билан хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

Сўхор МФЙ Истиқлол кўчаси 10 уй 5273286

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами:

2.5. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш қисқартирилишига қадар каминда 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қисқартирилади.

2.6. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларининг технологик иш режимидаги бузилиш тақдирда, Етказиб берувчи газ етказиб беришни чеклаши мумкин, Истеъмолчи эса захира ёқилғи туридан фойдаланишга ўтади.

2.7. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.8. Истеъмолчи захира ёқилғи туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофик захира ёқилғига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.9. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоклари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ таксимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрайтиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.10. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.11. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реквизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.12. Табиий газни казиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, таксимлаш ва истеъмол қилиш режимининг ягона узлуксиз технологик жараёнини ҳисобга олиб, табиий газ ишлаб чиқарувчи «Ўзнефтьгазказибчиқариш» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмастан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуқтаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

Етказиб берилган газ учун ҳисоб-китоб газ ҳажмининг стандарт шартларига кўра (ДСТ 5542-87 ва ДСТ 2939-63 1.1-бандига асосан) куб метрга, яъни $T = 20^{\circ}\text{C}$, $P = 760$ мм сымоб устунига келтирилган ҳолда амалга оширилади.

Истеъмолчи томонидан газни тижорний ҳисобга олиш учун мўлжалланган торайтирувчи қурилмага эга ўлчов комплекси фойдаланилган тақдирда, Етказиб берувчи ва Бюро билан ҳамкорликда газни ёзги ва қишқи мавсумларда истеъмол қилиш ҳажмидан келиб чиқиб, торайтирувчи ускуналарни ўз вақтида алмаштириш ва ўлчов комплекси ишини «Ўзстандарт» агентлиги талабларига мувофиқлаштириш таъминлиниши лозим.

3.3. Газни сарфланишини ҳисоблашда куйидаги кўрсаткичлар инобатга олинади:

а) манометрлар ва термометрлар созилиги, уларнинг давлат текширувчини амал қилиш муддати;

б) ГТПни юргизиш (тартибга солиш) муддати, шунингдек ҳақиқий ишчи босимнинг ГТПни тартибга солиш далолатномасида қайд этилган кўрсаткичларга мувофиқлиги.

Қайд этилган кўрсаткичларга риоя этилмаганда $P_{\text{орниткчи}} = 1.0$ кгс/см² коэффициентни қўлланади

Етказиб берувчи Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш приборига, унинг сифат лабораторияси томонидан тақдим этиладиган газ таркиби бўйича тузатувчи ўзгартиришларни 12 соатдан кечиктирмасдан киритиши керак. Газ таркиби бўйича кўрсаткичларнинг ўз вақтида ва ҳаққоний киритилиши учун жавобгарлик Истеъмолчи зиммасида бўлади.

3.4. Газ сарфини ҳисоблаш прибори ҳажмини ўлчаш диапазони ўрнатилган газдан фойдаланиш ускуналари қувватига мувофиқ бўлиши лозим. Агар табиий газ ҳисобга олиш қурилмаларининг техник тавсифида кўрсатилган ҳажмдан кам сарфланса, газ ҳажми ва сарфини ҳисобга олиш техник тавсифининг пастки чегараси бўйича қабул қилинади. Бунда Истеъмолчи 15 куб мобайнида газ ҳажми бўйича унинг газ ускунасига тўғри келадиган бошқа газни ҳисоблаш приборини ўрнатишни ўз зиммасига олади.

Газни ҳисоблаш приборининг хатолиги приборнинг паспортида кўрсатилган хатолик чегарасига мос келиши лозим, бундай ҳолатларда газ сарфини ҳисобга олиш тизими ўзаро ҳисоб-китоблар учун яроқли ҳисобланади

Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи «Ўзстандарт» агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса — Етказиб берувчи томонидан амалга оширилади.

3.6. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, куйидаги ҳолларда тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисоблаш приборисиз ёки уни четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш;

б) газни ҳисоблаш приборини давлат қиёсловидан ўтказиш муддати тугаганда, бунда тегишли ҳисоб-китоб қиёслово муддати тугаган вақтдан бошлаб у ўтказилгандан кейин газни ҳисоблаш приборини ўрнатиш вақтигача бўлган даврда;

в) носозлик, тамға бутлиги бузилиши, ҳисоблаш прибори ўзбошимчалик билан ечиб олинганлиги аниқланган ҳолатларда;

г) газ қувурлари ёки ГТПларда, газни таксимлаш тармоқларини технологик иш режимини бузадиган қурилмаларни ўрнатиш.

3.7. Ҳисоблаш прибори ишдан чиққанида истеъмолчига етказилган газ ҳажми тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг энг юқори қувват билан ишлаб туришига нисбатан аниқланади, бироқ, мазкур шартноманин 1.4 ва 1.5-бандларида белгиланган талабларга риоя этилган тақдирда, бир чоракдан ортиқ бўлмаган муддатга қўлланади.

Ҳисоблаш прибори ишдан чиққанида, Истеъмолчи 24 соатдан кечиктирмасдан бу ҳақида Етказиб берувчига хабар бериши, шунингдек, корхона ва газдан фойдаланувчи ускуна иш жадвалини тузиши ва ишдан чиққан газдан фойдаланувчи ускунани тамғалаб қуйиши шарт.

3.8. Ҳисоблаш приборларини ўрнатиш, фойдаланиш ва текшириш амалдаги меъёрлар ва қоидаларга асосан ўтказилади.

3.9. Табиий газни ҳисоблаш учун фақат Ўзбекистон Республикаси ўлчов воситалари Давлат реестрига киритилган турдаги приборлардан фойдаланиш шарт.

3.10. Приборлар уларнинг фойдаланиш учун яроқли эканлигини тасдиқловчи ҳужжат, ишлаб чиқарувчи корхона томонидан белгиланган жойларда тегишли шаклдаги амал қилувчи белгилар ва тамғаларга эга бўлиши шарт.

3.11. Ҳисоблаш приборларининг техник ҳолати, таъмирланиши ва ўз вақтида давлат қиёсловидан ўтказилиши учун жавобгарлик ҳисоблаш прибори эгаси зиммасига юклатилади.

- 3.12. Ҳисоблаш приборларини киёслов Давлат метрология хизмати органлари томонидан «Метрология тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ амалга оширилади.
- 3.13. Ҳисоблаш приборларини киёслов даврийлиги меъёрий-техник ҳужжатлар асосида белгиланади.
- 3.14. Ҳисоблаш приборига тамға ўрнатиш Бюронинг масъул ходимлари томонидан Етказиб берувчи вакиллари билан бирга далолатнома тузган ҳолда ҳамда Истеъмолчи иштирокида амалга оширилади.
- 3.15. Ҳисоблаш приборларининг, шу жумладан ўрнатилган тамгаларнинг сақланиши ва бутунлиги учун жавобгарлик Истеъмолчига юклатилади.
- 3.16. Ҳисоблаш прибори ўрнатилгандан кейин, Етказиб берувчи томонидан рўйхатга олинади.
- 3.17. Ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг килиш учун ечиб олиш Етказиб берувчи ва Бюро вакиллари томонидан Истеъмолчи иштирокида амалга оширилади.
- 3.18. Ҳисоблаш приборини алмаштириш учун ечиб олиш Истеъмолчининг аризаси асосида Етказиб берувчи вакиллари томонидан Бюро ходими иштирокида амалга оширилади.
- 3.19. Ҳисоблаш приборини текширув муддати тугаганлиги сабабли ечиб олиш Етказиб берувчи вакиллари томонидан Бюро ходимининг иштирокида текширув муддати тугашидан камида бир кун аввал амалга оширилади.
- 3.20. Ҳисоблаш приборини созлигини мониторинг килиш учун ечиб олиш Етказиб берувчи вакиллари томонидан Бюро талаби билан Истеъмолчи иштирокида амалга оширилади.
- 3.21. Мазкур шартноманинг 3.17-бандида қайд этилган ҳолатларда ечиб олинган ҳисоблаш приборини ўрнатиш учун Истеъмолчи сертификатда кўрсатилган кундан бошлаб икки кун ичида буюртма бериши лозим.
- 3.22. Ушбу шартноманинг 3.17-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ечиб олинган ҳисоблаш приборини ўрнатиш Истеъмолчининг буюртмасига кўра икки кун ичида Етказиб берувчининг вакиллари томонидан амалга оширилиб, сўни Бюронинг масъул ходимлари билан бирга тамғаланади.
- 3.23. Ушбу шартноманинг 3.20-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ечиб олинган ҳисоблаш прибори белгиланган талабларга мувофиқ бўлса, мониторинг тугаганидан сўнг кечиктирмасдан, дарҳол Етказиб берувчининг вакиллари томонидан ўрнатилиб, сўнг Бюронинг масъул ходимлари билан биргаликда тамғаланади.
- Ҳисоблаш прибори белгиланган талабларга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, мулкдор номувофиқликларни бартараф этишни таъминлаши шарт, шундан сўнг 3.21 ва 3.22 — бандларга мувофиқ ўрнатиш амалга оширилади.
- 3.24. Ҳисоблаш приборини мониторинг килиш ёки текширув натижаларидан порози бўлган Истеъмолчи, белгиланган тартибда юқори гурувчи орган ёки судга мурожаат килиши мумкин.
- 3.25. Шартноманинг ҳар икки томони белгиланган қонунчиликка мувофиқ, Бюронинг ваколатли ходимига сутканинг исталган вақтида ҳисоблаш приборларини монеликсиз кўздан кечириш учун киритиш имкониятини таъминлаши шарт.
- 3.26. Бюро ходимини ҳисоблаш приборларига қўймаслик ҳолати далолатнома бўлган расмийлаштирилади. Истеъмолчи мазкур далолатнома билан танишиши лозим. Истеъмолчи далолатномани имзоланиши рад этган ҳолатда, далолатномада бу ҳақда қайд этилади. Рад этиш ҳолати икки тўвоҳ ёки фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органи вакили томонидан тасдиқланиши керак. Истеъмолчи далолатномани имзоланиши рад этиш сабабини баён килиш ҳуқуқига эга, бу ҳақида далолатномага қайд этилади. Далолатномага имзо қўйишни рад этиш Истеъмолчининг газ тармоғидан узиб қўйиш учун асос бўлади ва бу ҳақида огоҳлантирилиши шарт.

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

- 4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.
- 4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади. Навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари бўйича табиий газ етказиб бериш тўғрисидаги шартнома ўзгартирилишидан олдин истеъмолчи газ таъминоти ташкилотига бу ҳақида ўн кундан кечикмай хабар берган тақдирда, бундай ҳолатлар ортқча олинган миқдор деб ҳисобланмайди.
- 4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчи ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди;
- 4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.
- 4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).
- 4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.
- 4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш ойна тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.
- 4.8. Табиий газдан фойдаланишда истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.
- 4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 2 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.
- 4.10. Табиий газ учун истеъмолчининг тўлов муддати ўтган қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари истеъмолчининг хабардор қилган ҳолда, тўлов муддати ўтган қарзни тўлашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.
- 4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.
- 4.12. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Бюро вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТГҲНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида.

кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар биллинг тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларига киритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич ечиб олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб оғи учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси ва счет-фактура расмийлаштирилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоблаш ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида Газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) автоматик тарзда тўғриланадиган газни ҳисоблаш приборидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Етказиб берувчи томонидан белгиланган тартибда ҳисобланган, Истеъмолчи газ тармоқлари ва ГТШдаги технологик йўқотишларнинг ҳисобланган ҳажми кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилган далолатнома.

4.15. Кўрсаткичлар олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5-кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб оғи учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси ва счет-фактура расмийлаштирилади.

4.16. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб оғи учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва счет-фактурани қабул қилиб олади ва имзолайди ҳамда бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади.

4.17. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатишган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш оғи тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Бюро вақилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқиши керак.

4.18. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Бюро тузилмаси томонидан қонунида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.19. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлиқ қувват билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.

4.20. Газ учун амалдаги тарифлар (наҳрлар) ўзгарган ҳолатда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур Шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов ҳақида янги тариф асосида, у қонунида белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади.

V. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан 3.6-бандда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Бюронинг Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вақиллари томонидан имзоланадиган ва уч нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, Етказиб берувчи ёки Бюро вақилининг сўнгги кўздан кечириш кунидан бошлаб, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундирилади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийматининг ундирилиши Истеъмолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчи газ тармоқларидан қуйидаги ҳолатларда узиб қўйилади:

шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;

фойдаланишган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро кўрсатмалари бажарилмаганда, шу жумладан унинг вақиллари ҳисоблаш приборларидан кўрсаткични олишга қўйилмаганда;

ҳисоблаш приборларига қасддан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи ҳағти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;

газни талон-тарож қилиш, газ тармоқларига ноқонуний уланиш ёки бошқа газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланганда.

6.2. Тармоққа қайта уланишда Истеъмолчидан энг камини ҳақининг ўн баравари миқдорини ҳақ ундирилади.

6.3. Газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларига уланган газ тармоқларига истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Етказиб берувчи қуйидагиларга мажбур:

ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини сохталоқ ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;

ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;

табиий газ етказиб бериш қискарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида истеъмолчиларни хабардор қилиш;

табиий газнинг руҳсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида Бюро ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газ етказиб бериш;

истеъмолчиларга йўриқномалар бериш ва ҳонада ўрнатилган газ приборларидан хавфсиз фойдаланиш масалалари бўйича эслатмани топшириш;

Бюро ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

Истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмати кўрсатиш;

истеъмолчиларни техник хизмат кўрсатиш (тафтиш ўтказиш) саналари ҳақида турар жойлар йўлақларида эълонлар ёки бошқа мавжуд усуллар орқали камида уч сутка аввал огоҳлантириш;

газданфойдаланиш ускуналарини истеъмолчиларнинг ёзма ёки электрон буюртмалари асосида нархларни тартибга солиш органи томонидан тасдиқланган тарифлар бўйича қуйидаги муддатларда таъмирлаш:

табiiй газ сизиб чиқишида — дарҳол;

овкат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) — икки кун давомида;

газданфойдаланиш ускуналарини алмаштиришда — беш кун давомида.

Етказиб берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлари а ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

техник заруратга кўра, истеъмолчинибелгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш:

газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни газ тармоғидан узиб қўйиш;

Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;

табиийгазни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

газтармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

ушбушартноманинг 3.6-бандида назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қоидабузарликлар бартараф этилгуниге қадар аввалдан огоҳлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

7.3. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

газдан оқилона ва самарали фойдаланиш;

газ ҳужалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

газтармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкilotи диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;

ўзининггаз тармоқлари тахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш.

газтаъминоти ташкilotлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик.

Бюро вагаз таъминоти ташкilotи вакилларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришни таъминлаш;

газданфойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашиге тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасдан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамғаларнинг бутунлигини таъминлаш;

табиий газистеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкilotини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

етказибберилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, газ етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкilot этиш.

табиийгазнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимиге риоя қилган ҳолда узатилиши.

табиийгазни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш:

табиий газниетказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш;

газ етказиб беришнинг вақтинча тўхтатишни.

Истеъмолчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

7.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ:

- ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга (“Иштирокчи Томонлар”) моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, тақлифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини тақлиф қилмасликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур.

-бир тараф коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари, коррупция бўйича қўлланиладиган Сиёсат ва Қоидалар талаблари бузилган тақдирда, бошқа тарафни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бу Шартномани бекор қилишга ҳақли. Иккинчи тарафга тегишли билдиришнома юборган пайтдан бошлаб Шартнома бекор қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолда, биринчи тарафга етказилган барча зарарни қоплайди.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган аниқ зарар ва бой берилган фойдасини белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини руҳсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;

б) захира ёқилғига ўтиш талаблари бажарилмаганда;

в) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

г) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги нағижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан энг кам иш ҳақининг ун беш баравари миқдориде жарима қўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан «Хўжалиқ юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал ва газ тармоқларида авария ҳолатлари;

в) киш даврида вақтинча газ етказиб беришни чеклаш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон ва 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатиға киритилган қорхоналардан таққари);

г) қабул қилинган шартнома мажбуриятларининг Истеъмолчи томонидан бажарилмаслиги.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этиганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдориде жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқиға эға. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқиға эға.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдориде, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдориде, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

IX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

9.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзаға келган тақдирда томонлар қоилага кўра, уларни судғача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда судға мурожаат қилишге ҳақлидир.

9.2. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришға йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

X. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

10.1. Томонлар:

а) табиий ҳафатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш қорхоналари ва газ қазиб чиқариш жойларида қўтилмаган авария вазиятлари юзаға келганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхташиш, қисқартириш ёки қабул қилиш ҳуқуқиға эға.

10.2. Форс-мажор ҳолатлар юзаға келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

10.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортқ кун мобайнида сақланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қиладилар.

XI. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

11.1. Ушбу шартномаға ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

11.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарориға асосан Ғазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган қундан бошлаб қучға қиради.

11.3. Шартнома 2022 йил 31 декабрғача бўлган муддатға тузилган. Шартноманинг муддати тугагандан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилға узайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилға тузилади, шартноманинг муддати тугагандан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилға узайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳарйили 2020 йил 31 декабрь санасиға» амал қилишлари лозим.

11.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган қундан бошлаб 30 кун мобайнида қўриб чиқилади.

Томонлар ўртасидаги ўзаро келишувга асосан ҳал этилмаган низолар жавобгарнинг жойлашган жойидаги суд томонидан ҳал қилинади.

ХП. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

12.1. Мазкур шартнома томонларнинг ўзаро келишуви бўйича ёки шартнома қоидалари жиддий бузилган тақдирда, бир томонлама тартибда ёхуд суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

12.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилган, ҳар иккала нусха бир хил юридик кучга эга

ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

Етказиб берувчи: Худудгазтаъминот Когон филиали А.Ж

Почта манзили: Когон шаҳар Жалқабод кўчаси _____

туловлар учун банкнинг ҳисоб рақами: ИНН 306605769 МФО 00435 р/с 22634000405113960520 Банкнинг номи:

Усабатқурилиш банк Рақат филиали _____

Раҳбар: Н.И. Зокиров

Имзо: 

М.Ў



Истеъмолчи: Когон тумани Иқтисодиёт вазирлиги бошқармаси _____

(бюджет ташкилотлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг номи)

Почта манзили: Сухор МФЙ Истиқлол кўчаси телефон: 5273286 _____

Туловлар учун банкнинг ҳисоб рақами: 10002286006219706520011001 _____

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шаҳар МФО 00114 СТИР: 202805271 _____

Раҳбар:  И.Б. Батиров

Имзо:

М.Ў



Юрист: _____


2022 йил «02_» февралдаги 020546 -сон шартномага

ИЛОВА

Фойдаланишга қабул қилинган газдан тайланган қурилмалар

РЎЙХАТИ

Т/р	Корхона, булим ва техник ном ланиши	Агрегатлар		Газни лойиҳавий сарфи (паспорт), м³/соат	Ҳисобга олинган приборлар турлари
		ном ланиши	сони		
	Когон туман ободонлаштириш бошқармаси	Катёл	1	м³	Принц 10

Қўли берувчи

 Мусулманова
 Муҳаммад
 Ш, Ю, Замидов

Истеъмолчи

 Истеъмолчи

И. Батиров.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
BUXORO VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
KOGON TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

200700, Kogon shahar, Amir Temur ko'chasi, 3-uy,
tel.: (998 65 220-11-59) , el.pochta: kogontyurmarkaz@adliya.uz

2022 йил 04 феврал

Когон туман Ободонлаштириш бошқармасига

**ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА
ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА**

1. Лойиҳанинг тури: Шартнома

2. Лойиҳанинг номи:

“Худудгазтаъминот” Когон филиали ва Когон туман Ободонлаштириш бошқармаси ўртасидаги 2022 йил 02 февралдаги 020546-сонли “табиий газни улгуржи истеъмолчига етказиб бериш” шартномаси.

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот:

Когон туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан 2022 йил 04 февралда марказга киритилган.

4. Хулоса: “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Когон туман юридик
хизмат кўрсатиш маркази
бош юрисконсульти



А.Шамсиев